

Фасциолёз қўзғатувчиларидан *F. hepatica* микдор жиҳатдан *F. gigantica* га нисбатан, умумий & ' олганда, устунлик қилади. Бу эса сўнгги йилларда вилоятнинг қўйчилик ривожланган шайхоналарида *F. gigantica* ўрнини *F. hepatica* эгаллаб боришини аниқ кўрсатиб турибди. *F. gigantica* бирмунча кучли ўчоқлари эндиликда асосан Сурхон ва Қоратоғ дарёларининг ўрта ва қуйи ^шайхоналарида жойлашган туманларда сақланиб қолган. Дарёларнинг юқори оқими бўйлаб жойлашган h Сариосиё туманларида ушбу тур фасциоланинг энг хавфли ўчоқлари вақт ўтиши билан маълум ж - .. ик омишлар таъсирида тугаб кетганлиги қайд қилинди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Азимов Д.А. Гельминты овец юга Узбекистана и динамика главнейших гельминтозов Автореф. дисс. канд. вет. наук, Москва., 1963, 19с.
2. Азимов Д.А., В.ИТехтин, Ю.М.Зимин, С.Дадаев. Гельминты домашних копытных. Гельминты животных юга Узбекистана. Изд-во «Фан». Ташкент, 1978, с. 43 60.
3. Азимов З.А. Эпизоотология фасциоза, вызванного *Fasciola gigantica* и биологические основы его профилактики. //Автореф. дисс. канд. вет. наук, Самарканд, 1984, 18 с.
4. Нуруллаев А. Эпизоотология особенности фасциоза рогатого скота юга Узбекистана, опыты применения новых антгельминтиков при этом гельминтозе и разработка мер борьбы с ним. Автореф. дисс. канд. вет. наук, Москва, 1976, 26 с.
5. Эрназаров Ж. Дикроцелиоз овец и крупного рогатого скота в условиях юга Узбекистана. // Автореф. дисс. канд. вет. наук, Самарканд, 1972, 18 с.

ТУБАЗИД-МАСКГ - ТУБЕРКУЛЁЗГА ҚАРШИ ПРЕПАРАТ

Г.Х.Мамадуллаев, Ж.Н. Хўжамов (Ўзбекистон ветеринария илмий тадқиқот институт) Н. Нуриддинова (Ўзбекистон миллий университети)

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Миллий Университети олимлари билан ўамқбрликда қ-ипилган туберкулёзга қрриш янги тубазид-МАСКГ (моно аммониевой соль глицерризиновой оты) препаратининг вирулент туберкулёз микобактерияларига қарши махсус фаоллиги шворатория хайвонларида 24 бош денгиз чўчқачаларида ва 15 бош қуёнларда синовдан ўтказилди. всрибадаги денгиз чўчқалари ва қуёнлар ички паренхиматоз аъзоларидан олинган намуналарни иштоморфологик ва бактериологик текширишлар натижасида тубазид-МАСКГ препаратининг ^беркулёз қўзғатувчиларига нисбатан бактериостатик ва бактерицид фаоллиги аниқланди. Тубазид- 1М .КГ препарата туберкулёз микобактерияларининг МБТ Bovis-149 ва МБТ Humanis Л« 2520 всяаммларига нисбатан ижобий бактериостатик ва бактерицид самара кўрсатди. Препарат қабул ■л ан тажриба хайвонлари ички-аъзоларида туберкулёз касаллиги ривожланмади ва аксинча, шепарат қабул қилмаган назорат гуруҳи хайвонлари ички-аъзоларида туберкулёзнинг ривожланган яъакли намён бўлди.

Калит сўзлар. Туберкулёз, бовис, мбт, хуманис, вирулент, тубазид-маскг

Кириш. Туберкулёз-инсониятга қадим замонлардан маълум бўлиб, унинг олдини олиш, қарши ■ураш ва бартараф қилиш жиддий муа.ммо бўлиб келган бўлса ҳамки, ҳозирги даврда ҳам илм-фан шдида ўз ечимини тўла топгани йўқ [2].

Туберкулёз сурункали кечадиган юқумли касаллик бўлиб, кишлоқ хўжалик хайвонлари, ёввойи шйвонлар, муйнали хайвонлар ҳамда паррандаларда учрайди. Касалликка чалинган ички аъзо ва - хималарда махсус тугунлар - бўртмачалар (туберкулалар) ҳосил бўлади. Туберкулёз-одамлар ^исидоҳам кўп тарқалган касалликдир [3].

Инсоният саломатлиги учун асосан туберкулёзнинг хуманис ва бовис турлари хавф туғдиради. - - ки туберкулёзнинг қорамол тури одам лар организмда касаллик чақирса, одамларда касаллик г' зтавчи тур қорамоллар учун юқумли ҳисобланади.

Туберкулёз бўйича эпизоотик вазиятни мувофиқлаштириш, носоғлом хўжаликларни эсалиқдан соғломлаштириш кўп жиҳатдан амалиётда самарадор восита ва услубларни г лланилишига боғлиқ. Ҳозирги давргача яратилган услуб ва воситалар эса қутиладиган натижаларни 'есмаяпти [2].

Охирги 10 йиллик давомида Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлигининг айрим Рес рубли кал арида туберкулёз бўйича миллат миқёсида жидкий муаммолар пайдо бўлган эди.

Жахон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, жахонда туберкулёз билан касалланган ва ўлганларнинг сони бир йилда 2-3 млн дан ошиб кетди. Ҳисобларга кўра, 2010- йилларга бориб туберкулёз касаллиги барна бактериал инфекциялар ичида энг кўп ўлим чакирувчи сабаблардан бири бўлиб қолади(7).

Сўйгги йилларда табиатда мавжуд микроорганизмларнинг (бактерия, вирус, замбуруғ, рикетсия ва бош.) турли биоэкологик таъсиротлар сабабли ўзгарувчанлиги, мутацияси кузатилмоқда. Бунине оқибатида инсоният олдида янгидан-янги турли юкумли касалликларнинг турлари, серотиплар, серовариантлари пайдо бўлмоқда ва ўзига хос муаммолар туғдирмоқда. Шунинг учун туберкулёз микобактерияларининг ўзига хос хусусиятларини турли жабҳаларда ўрганиш ва олинган натижалар асосида даволаш, олдини олиш ва диагностика воситаларини яратиш долзарб масала ҳисобланади [6].

Бундай муаммолар ечимини топиш борасида МБТ - Bovis, ва МБТ - Humanis штаммлари юктирилган денгиз чўчкалари ва куёнлар организмда тубазид-МАСКГ препаратининг махсус фаоллигини аниқлаш учун тажриба ҳайвонларидан олинган патологик намуналарни патологоанатомы к ва бактериологик гаддик этиш натижасида тубазид-МАСКГ препаратининг махсус фаоллигини аниқлаш мақсад қилиб олинди.

Материаллар ва методлар. Тажрибалар Ўзбекистан ветеринария илмий тадқиқот института туберкулёзни ўрганиш лабораториясида ўтказилди.

Тадқиқотлар «Ҳайвонлар туберкулёзининг лаборатория ташхиси» (4) кўрсатмаси, «Ҳайвонлар туберкулёзини олдини олиш ва қарши кураш» йўриқномаси ва курсатмалари (1; 9; 10), «Туберкулёзда лаборатория диагностикаси», «Руководство по лабораторным исследованиям при туберкулезе») 121 ҳамда «Биологический метод исследований при туберкулезе» (11, 12) қўлланмалари асосида ўтказилди.

Бактериоскоп и к текшириш учун микобактериялар штаммлари Цил-Нильсен услубида бўялди.

Тадқиқотларда 15 бош соғлом куёнлар (2 кг тирик вазни) ва 24 бош денгиз чўчкачаларидан (350-400 гр), фойдаланилди.

Тажрибадан олдин куёнлар ва денгиз чўчкалари туберкулёзга аллергик текширилди.

Юктирилган тажриба ҳайвонлари 3 ой давомида кузатувда сақланди. Бу муддат ичида ўлган тажриба ҳайвонларидан олинган патологик намуна юқорида келтирилган бактериоскопик, културал-морфологик текширувлардан ўтказилди.

Тажрибалар 90 кун давом этди ва кузатув муддати тугагач тажриба ва назорат гуруҳ ҳайвонлари мажбуран ўлдирилди. Тажриба ҳайвонлари ички-аъзоларидан олинган патологик намуна Гон-Левенштейн-Сумиоши услубида ишлов берилди.

Тажриба ҳайвонларининг зарарланиш индекси (талок индекси) Талок индекси Р.Войтек (196' усулида аниқланди:

$$ТИ = \frac{ГВ}{10} \times 100\%$$

ТИ-галок индекси, ТВ- талок вазни, ГВ- гавда вазни.

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Янги яратилган Тубазид-МАСКГ комплекси 24 бош денгиз чўчкалари ва 15 бош куёнлар организмда вируленттуберкулёз микобактерияларининг (МБТ) МБТ bovis № 149 (қорамол тури) ва МБТ humanis № 2520 (одамларда касаллик чакирувчи тур) штаммларига қарши махсус фаоллиги урганилди, Тубазид-МАСКГ' препаратининг. касаллик қўзғатувчиларига нисбатан фаоллиги тиббий изониазид препарати билан солиштирма равишда қиёсин ўрганилди.

Тажрибани бошлашдан олдин барча ҳайвонлар туберкулёзга аллергик услубда текширил. Бунинг учун Россиянинг Курск биофабрикасида ишлаб чиқарилган ППД-туберкулин препаратам фойдаланилди (Серия №3, Госконтроль №3, 2006 й. ишлаб чиқарилган, Сақлаш муддати 3 йил.). Б флакон туберкулин препарати 20 мл.-50000 ТЕ (туберкулин бирлиги)-дан иборат.

ППД-туберкулин препарати денгиз чўчкаларига 0,1 мл. -25 ТЕ дозада қорин териси ораси куёнларга 0,1 мл.- 250 ТЕ дозада кулок супраси ташки ўзагининг тери орасига юборилди. Инъект жойи 70 -спирт билан дезинфекцияланди. Реакция натижаси 48 соатдан сўнг кутиметр ёрдам! ўлчанди. Текшириш натижасига кура бирорта ҳам ҳайвонда ППД-туберкулинга нисбатан ижос аллергик реакция аниқданмади.

Тажриба ҳайвонларини юктириш учун МБТ bovis № 149 ва МБТ humanis № 2520 штамм; дастлаб Левен штейн-Йенсен озика мухитида пробиркаларда 14-16 кун давомида термостатда 36,5 ҳароратда ўстирилди ва юктириш учун бокс шароитида суспензия тайёрланди.

1- чи гуруҳ денгиз чўчкаларига МБТ Humanis № 2520 штамми юктарилгач МАС

препаратининг 48 %-ли этанолдаги эритмаси 10 мг/кг микдорда 1 мл.дан хар куни оғиз орқали бериб борилди. 2-чи гурух хайвонларига назорат сифатида 10 мг/кг дозада шу услуб билан изониазид препарати берилди. 3-чи гурухдаги 6 бош денгиз чўчкалари МБТ Bovis-149 штамми юктирилиб МАСКГ препарати қўлланилди. 4-чи гурух ҳам МБТ Bovis-149 штамми юктирилиб изониазид препарати бериб борилди. 5-6 гурухлар назорат сифатида МБТ Bovis-149 ва МБТ humanis № 2520 лтаммлари юктирилиб, препарат берилмади.

Тажрибадаги 15 бош куёнлар МБТ Bovis-149 штамми билан юктирилди ва 1 ва 2 гурух хайвонларига МАСКГ препарати ва 3-чи гурух хайвонларига тиббий изониазид препарати қўлланилди. 4-чи назорат гурухига препарат берилмади.

Тирик организмда микобактериялар ривожланишининг инкубацион даврини ҳисобга олиб тажриба хайвонлари юктирилгандан сўнг орадан 21 кун ўтгач препаратлар 90 кун давомида бериб борилди.

Юктирилгандан сўнг орадан 45 кун ўтгач тажриба хайвонларини ППД-туберкулин ёрдамида аллергия услубда текширувдан ўтказилди. Юктирилган денгиз чўчкалари организми ППД-туберкулин аллергиясига нисбатан ижобий реакция кўрсатди. Назорат гуруҳидаги хайвонлар организмда -тлерженга нисбатан реакция 1-2 баробар юқорирок кўрсаткичга эга бўлди. ППД-туберкулин юборилган жойда терида гиперемия кузатилди, тери ости тўқимасида чегараланган доирада тўқиманинг қаттиқлашганлиги ҳосил бўлган. Нормал тери ва туберкулин инъекция қилинган жойдаги тери қалинлиги ўртача 1-2 мм. ни ташкил қилди. Назорат гуруҳидаги хайвонларда эса туберкулин геакцияси юқори ва ўртача 3-5 мм. га тенг бўлди.

Тажрибадаги куёнларда ҳам аллергия реакция натижалари ижобий тавсифга эга бўлди. еридаги аллергия реакция тери ости тўқимасининг қалинлашуви, гиперемия, яқкол кон томир теакцияси кузатилди ва локаллашган тери харорати юқори бўлди. Тери қалинлиги кутиметр ёрдамида ■лчанди, бундан ташқари мануал услубда иккинчи кулоқ супраси ўзаги билан солиштирилди. Препарат қабул қилган куёнларда тери қалинлиги ўртача 0,5-3 мм.гача, назорат гуруҳидаги хайвонларда бу 'ўрсаткич 1-4 мм. ни ҳосил қилди.

Тажриба хайвонлари юктирилгандан сўнг 90 кун ўтгач барча тажриба ва назорат гуруҳларидаги денгиз чўчкалари ва куёнлар кейинги патологоанатомик ва бактериологик текширувлар учун мажбурий ўлдирилди.

1- чи гурух денгиз чўчкалари патологоанатомик ёрилганда куйидагилар аниқланди: ўпка, жигар, талок ҳажми кенгайган, бошка ўзгариш йўқ. Юрак, буйраклар ва ошқозон ичак трактида ҳеч қандай патологик ўзгариш аниқланмади. Зарарланиш (жарохат) индекси 2,05 %.

2- чи гурух денгиз чўчкаларида патологик ўзгаришлар жигар ва талокда кузатилди. Бу аъзолар цаъми бир оз кенгайган, қирраларида нуктасимон ок-кулранг некротик ўчоқлар ҳосил бўлган. Кўндаланг кесимида бириктирувчи тўқимасимон капсула аниқланди. Юктириш жойида капсулаланган аирингли ўчоқ аниқланди. Зарарланиш (жарохат) индекси 1,03 %

3- чи гуруҳда юктириш жойида 2-3 мм ўлчамда капсулаланган йирингли ўчоқ топилди. Қолган гчки-аъзолари ва тўқималарида патологик ўзгаришлар аниқланмади. Бир бош хайвонда талок бир оз кенгайган, юзаси бўртмасимон. Кўндаланг кесимда консистенцияси бўшашган, бир оз тўқима кўчади, тўқ кизил рангда. Зарарланиш (жарохат) индекси 0,2 %.

4- чи гуруҳда 2 бош хайвонда жигар бир оз кенгайган, ранги, консистенцияси ўзгармаган. Талок юзаси бўртмасимон, кўндаланг кесими ўзгаришсиз. Юктириш жойида 2-3 мм. ўлчамда қаттиқ капсулаланган ўчоқ ҳосил бўлган. Зарарланиш индекси 0,2 %.

5- чи назорат гуруҳидаги МБТ Bovis-149 штамми билан юктирилган ва препарат қабул қилмаган денгиз чўчкалари патологоанатомик ёрилганда куйидаги патологик ўзгаришлар аниқланди: ўпка ҳажми • арийиб 3 баробар кенгайган, ўпка паренхимасида 5-8 мм. ўлчамда ок-кулранг рангли некротик ■азеозли ўчоқлар диффузион тарқалган. Жигар ҳажми 2 баробар кенгайган, тўқ кизил рангда, некроз . чоклари паренхима бўйлаб тарқалган, ок-кулрангли казеоз масса ҳосил бўлган. Талок ҳам ҳажми кенгайган, тўқ-қизил рангда, юзаси бўртмасимон, некроз ўчоқлари тарқалган. Буйраклар ва ошқозон- гчак трактида патологик жараён кузатилмади. Зарарланиш индекси 3,2 %.

6- чи МБТ Humanis № 2520 штамми билан юктирилган назорат гуруҳидаги денгиз чўчкаларида ҳам 5-чи гурух хайвонлари ички-аъзоларида ҳосил бўлгани каби туберкулёзнинг ривожланган шакли замоён бўлган. Зарарланиш индекси 3,5 %.

Тажрибадаги куёнлар ҳам юктирилгандан сўнг 90 кун ўтгач барча тажриба ва назорат ~ рухлари кейинги патологоанатомик, бактериологик ва гистологик текширувлар учун мажбурий ◆лдирилди.

МБТ Bovis-149 штамми юктирилгандан сўнг МАСКГ препарати қабул қилган 1-чи гурух

куёнлари патологоанатомик ёрилганда куйидагилар аниқланди: 1-чи куённинг ўпкаси ранги, хажми ва зичлиги ўзгармаган, юрак бўлмачасида кон қуюлиш ўчоқлари кузатилади. Жигар хажми бир оз I кенгайган, ранги зичлиги ўзгармаган, қуйи қиррасида бир дона тарик дони ўлчамида некроз ўчоғи кузатилади. Талок ва буйраклар-ўзгаришсиз. Буйракнинг мия ва пўстлоқ қисми яққол ифодаланган. ©шқозон-ичак трактида ҳеч қандай патологик ўзгариш йўқ.

2- чи куёнда ўпка-ўзгаришсиз. Юрак бўлмачаларида ва миокардда кон қуйилиш ўчоқлари кузатилади. Жигар - зичлиги ўзгармаган, хажми бар оз кенгайган, 5 дона тарик ва мош дони ўлчамида некротик ўчоқлар ҳосил бўлган, Талок, оғйқозон-ичак тракти ва буйракларда патологик ўзгариш йўқ.

3 ва 4-чи куёнлар организмида ҳам худди юқорида таъкидланган ўзгаришлар аниқланди Патологик жараён фақат жигарда кузатилиб, 3-4 дона некроз ўчоқлари кузатилади. Кўндалаяг кесимида ўчоқлар атрофи бириктирувчи тўқимасимон грануляцион капсула билан ўралган. Бошқа патологик ўзгариш йўқ.

2- чи гуруҳ куёнлари патологоанатомик ёрилганда куйидагилар аниқланди: 1-чи куёнда -ўпка. юрак. талок, буйраклар ва ошқозон-ичак трактида ҳеч қандай патологик ўзгаришлар кузатилмади. Жигар- тўқ кизил рангда, хажми бир оз кенгайган, зичлиги бўшашган, ок-сарғиш рангли тарик дони ўлчамида некроз ўчоқлари ҳосил бўлган Кўндаланг кесимида бириктирувчи тўқима ҳосил булган. Айрим нўқтасида суюқ йирингсимон масса топилди.

2- чи куённинг ички паренхиматоз аъзоларида ҳеч қандай патологик жараён кузатилмади.

3- чи ва 4-чи куёнларнинг ҳам ички паренхиматоз аъзоларида ҳеч қандай патологик жараён кузатилмади, фақатгина жигарда юқорида таъкидлангани каби мош дони ўлчамида 5- 8 донадан некроз ўчоқлари аниқланди.

MBT Bovis-149 штамми юктирилгандан сўнг изониазид препарата қабул қилган куёнлар патологоанатомик ёрилганда куйидагилар аниқланди: 1-чи куёнда -ўпка, юрак, талок, буйраклар ва ошқозон-ичак трактида ҳеч қандай патологик ўзгаришлар кузатилмади. Жигар- тўқ кизил рангда, хажми, зичлиги ўзгармаган, ок-сарғиш рангли тарик дони ўлчамида 4-дона некроз ўчоқлари ҳосил бўлган.

2- чи куённинг ўпкаси хажми кенгайган, чап бўлма ва бўлмачаси геморрагик яллигланган, тарик дони ўлчамида бир дона некроз ўчоғи ҳосил бўлган, кўндаланг кесимида бириктирувчи тўқима аниқланди. Қолган ички-аъзолари ва лимфа тугунларида патологик жараён аниқланмади.

3- чи куёнда ўпкасида нўхат дони ўлчамида геморрагия ўчоғи ҳосил бўлган. Жигар- хажми бир оз кенгайган, кўплаб мош дони ўлчамида некроз ўчоқлари ҳосил бўлган, кўндаланг кесимида казеоз ўчоқ аниқланди. Талок хажми бир оз кенгайган, қолган ички-аъзо ва тўқималарида патологик ўзгаришлар аниқланмади.

4- чи куёнда ўпкасининг юқори бўлмачалари геморрагик яллигланган. Юрак-ўзгаришсиз. Жигар- хажми кенгайган, кўплаб нўқтасимон некротик ўчоқлар ҳосил бўлган. кўндаланг кесимида суюқ йиринг массаси аниқланди. Буйраклар- чап буйрак хажми кенгайган, буйрак усти беги хажми кенгайган ва қатарал яллигланган. Талок хажми кенгайган.

4- чи назорат гуруҳи хайвонлари патологоанатомик ёрилганда куйидагилар аниқланди: 1-чи куёнда -ўпка хажми кенгайган, чап бўлмачаси геморрагик яллигланган, бир дона тарик дони ўлчамида некроз ўчоғи ҳосил бўлган, кўндаланг кесимида казеоз масса аниқланди ва мош дони ўлчамига некроз ўчоқлари ҳосил булган.

2- чи куён- ўпка хажми кенгайган, ок-сарғиш рангда паренхимада кўплаб нўқтасимон некроз ўчоқлари жойлашган, кўндалаг кесимида казеоз масса аниқланди. Жигар хажми кенгайган, паренхима таркибида нўқтасимон ва мош дони ўлчамида некроз ўчоқлари ҳосил бўлган, кўндаланг кесимида йирингли ва казеоз масс.-: тўпланган. Буйраклар хажми кенгайган, буйрак устки лимфа тугунларида нўқтасимон некроз ҳосил бўлган. Талок хажми кенгайган, юзаси нотекис гадир-будир ҳолатда. Сийдш пуфағи тўлишиб кетган. Юрак ўзгаришсиз.

3- чи куённинг ўнкаси плеврага ёпишган, хажми кенгайган, паренхимада нўқтасимон кўплас некроз ўчоқлари ҳосил бўлган. Кўндаланг кесими бириктирувчи тўқимасимон. Жигар хажми кенгайган, паренхимаси кўплаб ҳар хил ўлчамдаги некроз ўчоқлари билан қопланган, кўндаланг кесимида казеоз масса ҳосил булган. Буйраклар хажми кенгайган, буйрак орти лимфа тугунлари 34 баробар кенгайган. Талок хажми кенгайган, юзаси бўртмасимон.

Бактериологик текширишларда МБТ Humanis № 2520 штамми юктирилган тажриба хайвоыларининг айримларида културал текширишда (МБТ колонияси ўсиши) ва микроскопиям туберкулёз аниқланди. МБТ Bovis-149 штамми юктирилгач препарат қабул қилган тажрис хайвонлари ички-аъзо л ар и да эса туберкулёз аниқланмади.

Шундай қилиб, ўтказилган тажрибалар натижасидан кўриниб турибдики, тубазид-МАСК

Пнварати туберкулез микобактерияларининг МБТ Bovis-149 ва МБТ Humanis № 2520 штаммларига в-Х-ч ижобий бактериостат и к ва бактерицид самара кўрсатди. Препарат қабул қилган тажриба И^жлари ички-аъзоларида туберкулёз касаллиги ривожланмади ва аксинча, препарат қабул қилмаган ■мраг гуруҳи хайвонлари ички-аъзоларида туберкулёзнинг ривожланган шакли намоён бўлди.

- д-МАСКГ препарати тиббий изониазид препарати билан бир хил, баъзи ҳолатларда касаллик Виа-кисита нисбатан фаолроқ бактерицид ва бактериостатик таъсир кўрсатди. Патологоанатомик в и; иш натижасидан кўриниб турибдики, аксарият хайвонларнинг жигарида некротик яллиғланиш ҳосил бўлган. Бу ўзгаришлар касаллик кўзгатувчиси таъсирида ҳосил бўлганми ёки препарат Бюими⁹ Шунинг учун бу йўналишда тегишли бактериологик ва токсикологик тадқиқотлар ўтказиш мувофиқ.

Хулоса қилиш мумкинки, тубазид-МАСКГ препарати бўйича тегишли ил мий-техник норматив «ж*-тлар тузилгач, мазкур препарат ёрдамида туберкулёз касаллигига қарши курашда самарали «ж. сифатида фойдаланиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ветеринария қонунчилиги//Хайвонлар туберкулёзига қарши кураш чора тадбирлари ҳақида фқокма, Тошкент 1998. - Б.68.
- 2 Ни Г.В., Исаков М.Т., Мамадуллаев Г.Х.Способ оздоровления хозяйств от туберкулёза жж)го рогатого скота//Профилактики и меры борьбы с болезнями сельскохозяйственных животных в Узбекистане //Сб.научн.трудов.-Ташкент, 1993.-С. 51-53.
- 3 Новак Д.Д. Туберкулёз крупного рогатого скота.//Алма-Ата: Кайнар, 1984. -С. 133-145.
- Рекомендация по лабораторной диагностике туберкулёза. Омск, 1988.-64 с.
- 5 Туберкулёз животных и меры борьбы с ним //Под.ред.Ю.Я.Кассич.-Киев:Урожай, 1990.-303с.
- Туберкулёз сельскохозяйственных животных //Под.Ред.В.П. Шишкова и В.П. Урбана. - М ВО *-о —юмиздат. 1991.-246 с.
- Хамракулов Р.Ш., Назиров П.Х., Муаззамов Б.Р. Сил ва унинг ташкилий асослари. //Ташкент: «у Ади Ибн Сина - 2001., 177 с.
- 8 Хайвонлар туберкулёзини олдини олиш ва қарши кураш» йўриқномаси (М.,1982 й)
- «Хайвонлар туберкулёзини олдини олиш ва қарши кураш» қўлланмаси (М.,1988 й)
- І Т Наставление по диагностике туберкулёза животных (Утв. 25.02.1988) - М., 1988,- 43 с.
- ІІ Финкель Е.А., Михайлова Л.В. Биологический метод исследований при туберкулезе. // Цбфгмзсган» Фрунзе, С. 118-149.
- Яценко Т.Н., Мечева И.С. Руководство по лабораторным исследованиям при туберкулезе. // 4. Мединина, 1973. С. 53-77.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ТОҒОЛДИ -ТОҒ БИОЦЕНОЗЛАРИДА ҚҰЙ ВА ЛКИЛАРНИНГ ЖИГАР ТРЕМА ЮДОЗЛАРИНИНГ ЭПИЗООТОЛОГ ИК ХУСУСИЯТЛАРИ

111.Х. Курбанов (Илмий раҳбар; профессор - Б.С.Салимов)
(Самарканд кишлок ҳўжалик институти)

Аннотация. Мақолада Ўзбекистоннинг жанубий минтақасида жойлашган Сурхондарё вилоятининг тоғолди-тоғ биоценозларидаги қуй ва эчкиларнинг жигар трематодалари *Fasciola F. hepatica*, *Dicrocoelium lanceatum* ларнинг тоза, аралаш ҳолда чақирадиган фасциалёз ва иш/флюоз касалликларининг тарқалиши, уларнинг инвазия интенсивлиги ўрганиб чиқилди. ■*> ада Сурхондарё вилоятининг тоғолди - тоғ биоценозларида қуй ва эчкиларда уч турга оид ^вватодалар *F. hepatica*, *F. gigantica* ва *D. lanceatum* ларни паразитлик қилиши, табиий шароитда фяарюлаларнинг инвазия интенсивлигини эчкиларда қуйларникига нисбатан ўртача 9,0 нусхага, улар ■л^р'.л^..ган фасциолёзнинг инвазия, экстенсивлигини эса 4,6 фоизга кам эканлиги аниқланди. Зир иглиознинг инвазия экстенсивлиги эчкиларда қуйларникига нисбатан 5,6 фоизга, ^аякт.вчтарнинг инвазия интенсивлиги эса деярли икки марта кам бўлиши кузатилди. Қуй ва ■кж. рзэа фасциолёзнинг инвазия экстенсивлиги ва инвазия интенсивлиги бир ёшгача бўлган ^ишларда боища ёидагиларга нисбатан юкрри, дикроцелиозда эса қуй ва эчкиларнинг ёишга кўра лс лккача курсаткич ўсиб боради.

Калит сўзлар. Биоценоз, инвазия экстенсивлик, инвазия интенсивлик, паразитар